



Ҳамиша биринчи бўлинг, қорақалпоғистонликлар!

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида уй-жой коммунал хизмат кўрсатиши соҳасида замонавий инфратузилмани шакллантиришга қаратилган кенг кўламли ўзгаришлар олиб борилмоқда.

Ушбу ўтган қисқа вақт мобайнида вазирлик томонидан уй-жой фондини бошқариш ва фойдаланиш, шунингдек, ахолини сифатли ичимлик суви ҳамда иссиқлик таъминоти билан таъминлаш бўйича бир қанча ижобий ишлар амалга оширилди.

Қорақалпоғистон Республикасида ҳозирги вақтда жами 1338 та кўп қаватли уй-жойлар мавжуд бўлиб, хусусийлаштирилган 1243 та уй-жойларга 102 та хусусий уй-жой мулқдорлари ширкатлари хизмат кўрсатиб келмоқда.

Кўпхонадонли уй-жой фондини сақлаш ва улардан фойдаланиш тизимини комплекс ривожлантириш ва такомиллаштириш, кўпхонадонли уй-жойларнинг техник ҳолатини тубдан яхшилаш ҳамда таъмирлаш-тиклаш ишларини ўз вақтида амалга ошириш мақсадида вазирлик хузурида “Таъмирлаш-тиклаш хизмати” ДУК ва 6 та туманлараро филиаллар ташкил этилган.

Корхона томонидан кўпхонадонли уй-жойларни таъмирлаш ва атрофини ободонлаштириш ишларини олиб бориш мақсадида 2018

йилда 28,0 млрд. сўмлик иш ҳажми бажарилди. Ушбу амалга оширилган ишлар корхонанинг 200 нафардан ортиқ ишчиларининг меҳнатлари самарасидир.

2019 йилда корхона ва унинг филиаллари томонидан 41 млрд. сўмлик иш бажарилиши режалаштирилиб, жорий йилнинг 1 август ҳолатига 37,5 млрд. сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди ва иш режасининг 91,5 фоизи бажарилди.

Шунингдек, хусусий уй-жой мулқдорлари ширкатларига шартнома асосида бухгалтерлик ҳисобини юритиш, консалтинг ва мажбурий бадаллар йиғиш бўйича хизматлар кўрсатиш мақсадида “Ягона ҳисоб-китоб маркази” ДУК ва унинг туманлараро филиаллари ташкил қилинган.

“Ягона ҳисоб-китоб маркази” ДУК корхонаси томонидан 2018 йилда хусусий уй-жой мулқдорларидан 2,5 млрд. сўмлик мажбурий бадаллар ундирилди ҳамда ширкатларнинг 2,2 млрд. сўмлик тижорат банкларидан кредитлари қайтарилди.

ИСЛОХОТЛАР АМАЛДА

Марказ томонидан хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига шартнома асосида бухгалтерлик ҳисобини юритиш, консалтинг хизматлар күрсатиш ва мажбурий бадаллар йиғиш бүйича жорий йилнинг 1 август ҳолатига 370,1 млн. сүмлик хизматлар күрсатилди.

2019 йилда корхонанинг бизнес режасига мувофиқ оладиган соф даромади 40,0 млн. сүмни ташкил қилиши кутилмоқда.

Ушбу эришилган ижобий ишларнинг натижасига кўра, худуддаги кўп хонадонли уй-жой фондини ўтган 2018–2019 йиллар куз-қиши мавсумига тайёргарлик кўриш ва мавсумни барқарор ўтказиши бўйича кўп хонадонли уй-жой фондини таъмирлаш ва атрофини ободонлаштириш мақсадида ўтган йилда:

- 391 та кўп хонадонли уйларнинг 243,6 минг кв.м. том қисмларида мукаммал ва жорий таъмирлаш ишлари олиб борилди;
- 1213 та кириш йўлаклари таъмирланиб, 963 та кириш йўлакларига кодли темир эшиклар ўрнатилди.
- 214 та уй-жойнинг ертўла қисмидаги муҳандислик-коммуникация тармоқлари реконструкция қилинди;
- 171 та болалар майдончалари янгидан қурилди ва 60 та болалар майдончалари таъмирланди;
- 338 та уйларнинг кириш йўлаклари олд қисмидаги 78,0 минг м² тротуарлар бетон қопламаси билан қопланди ҳамда 317 та уйларнинг фасад қисмлари таъмирланди.

Мазкур ишлар учун жами 76,7 млрд. сүмлик маблағ сарфланди.

Худуддаги кўпхонадонли уй-жой фондини 2019–2020 йиллар куз-қиши мавсумига пухта тайёрлаш мақсадида Чора-тадбирлар режаси



ишлаб чиқилиб, дастурга мувофиқ, 2019 йилда жами 344 та кўп хонадонли уйларда таъмирлаш ишлари белгиланган.

Қорақалпоғистон Республикасида бугунги кунда жами аҳолининг 52,4 фоизи марказлашган ичимлик суви билан таъминланган, қолган 43,3 фоизи альтернатив ичимлик сув манбаларидан ва марказлардан узоқ худудларда жойлашган аҳоли пунктларида яшовчи 4,3 фоиз аҳолига ичимлик суви маҳсус транспортлар орқали етказиб берилади.

Сўнгги йилларда ҳукумат томонидан аҳолининг тоза ичимлик суви таъминотини яхшилаш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, экологик оғир шароитда яшаётган Қорақалпоғистон аҳолисини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Республикада яшаётган аҳолининг сув таъминотини яхшилаш мақсадида 2018 йилда барча манбалар ҳисобидан 85,4 млрд. сүмлик 419,2 км ичимлик суви тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари бажарилди.

Амалга оширилган ишлар натижасида Қорақалпоғистон Республикасида 33 та аҳоли





пунктларида яшовчи 45,1 минг нафар аҳоли илк бор марказлашган ичимлик суви билан таъминланди ва 48 та аҳоли пунктларида яшовчи 54,8 минг нафар аҳолининг ичимлик суви таъминоти яхшиланишига эришилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 2 апрелдаги 464-сонли Қонуни билан 18 апрель – «Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари куни» деб белгиланган бўлиб, шу муносабат билан Самарқанд шаҳридаги байрам тадбирида 2018 йил якунлари бўйича корхона ва ташкилотлар ўртасида турли номинацияларда танловлар ўtkазилиб, унда Қорақалпоғистон Республикаси 4 та номинация бўйича ғолиб бўлиб, 1-уринни эгаллади. “Энг яхши худудий Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси”, “Энг яхши Таъмирлаш-тиклаш хизмати”, “Энг яхши “Ягона ҳисоб-китоб маркази” ва “Энг яхши иссиқлик таъминоти корхонаси” танлови шулар жумласидандир.

Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисини ичимлик суви таъминотини яхшилаш мақсадида 2019 йилда 136,8 млрд. сўм маблағ ҳисобидан жами 110 та обьектларда қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилиши, ушбу ишларни амалга ошириш натижасида республикадаги 52,2 мингга яқин аҳоли илк бор ичимлик суви билан таъминланиши ва 36,9

мингдан ортиқ аҳолининг ичимлик суви таъминотининг яхшиланиши кутилмоқда.

Мазкур маблағлар ўзлаштирилиши натижасида 2020 йилнинг 1 январ ҳолатига аҳолининг ичимлик суви билан таъминланиш даражаси 52,4 фоиздан 55,1 фоизга оширилиши кутилмоқда.

Шунингдек, Мўйноқ ҳамда Қонликўл туманлари марказида канализация тизимларини ривожлантириш мақсадида 10,2 млрд. сўм маблағ ажратилиб, бугунги кунда қурилиш-монтаж ишлари олиб борилмоқда, белгиланган ишлар якунланиши билан туманлар маркази аҳолиси илк бор оқава сув хизматларидан фойдаланади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 апрелдаги “Осиё тараққиёт банки иштирокида “Ўзбекистоннинг ғарбий қисмида ичимлик суви таъминоти тизимларини ривожлантириш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига асосан республиканинг Амударё, Беруний, Қораўзак, Кўнғирот, Нукус ва Мўйноқ туманларидаги аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларни сифатли ичимлик суви таъминотини янада яхшилаш мақсадида лойиҳа қиймати 172,3 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестиция маблағлари ҳисобидан 2020–2023 йилларда 3 та сув тозалаш ҳамда 27 та сув тақсимлаш иншоотларини, 1235,2 км сув тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш ва “Тумъйин” ва “Тахиатош” сув тозалаш иншоотларини модернизация ва реконструкция қилиш ишлари белгиланган. Амалга оширилган ишлар натижасида лойиҳа худудида яшовчи 188,1 минг аҳоли илк бор марказлашган ичимлик суви билан таъминланади ва 155,8 минг аҳолининг ичимлик суви таъминоти яхшиланади.

Жаҳон банкининг 60,0 млн. доллар миқдоридаги кредит маблағи ҳисобидан 2020–2024 йилларда “Нукус ва Тахиатош шаҳри канализация тизимини реконструкция қилиш” лойиҳаси доирасида 164,6 км оқава сув тармоқлари ҳамда 39 та оқава суви иншоотларини қуриш ва реконструкция қилиш режалаштирилган.

Кўрсатиб ўтилган лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида лойиҳа худудида яшовчи 130,7 мингдан ортиқ аҳолининг оқава сув хизмати таъминоти яхшиланиши кутилмоқда.

Қорақалпоғистонликларни тоза ичимлик суви билин таъминлаш борасида соҳа пешқадамларининг амалга ошираётган ишлари эътиборга моликдир. Биринчиликни қўлдан бермай, сабитқадамлик билан олдинлаб кетаверинг, азиз қорақалпоғистонликлар. Байрамингиз мурборак бўлсин. Юртимиз янада гуллаб-яшнайверсин!

Ш.РАДЖАБОВ